

NUTQ MADANIYATI VA O'ZBEK TILSHUNOSLIGINING DOLZARB MUAMMOLARI



ANDIJON 2020

Nutq madaniyati va o'zbek tilshunosligining dolzarb muammolari

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA’LIM VAZIRLIGI

ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR NOMIDAGI
ANDIJON DAVLAT UNIVERSITETI

“NUTQ MADANIYATI VA O‘ZBEK TILSHUNOSLIGINING
DOLZARB MUAMMOLARI”

mavzusidagi ilmiy-amaliy konferensiya materiallari

(2020-yil, 4-may)

Andijon



UO‘K: 811.512.133 (154), (161);
811.512.122 (121); 811.161.1; 811.111-26.

“Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari / [Mas’ul muharrirlar F.Usmonov, B.Ahmedov] – Andijon: Andijon davlat universiteti kichik bosmaxonasi, 2020. – 420 bet.

Mas’ul muharrirlar:

Farhod Usmonov

filologiya fanlari bo‘yicha falsafa doktori

Botirjon Ahmedov

katta o‘qituvchi

Ushbu to‘plamda “Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari jamlangan. To‘plamda nutq madaniyati, o‘zbek tili fonetikasi va fonologiyasi, leksikologiyasi, grammatikasining dolzarb muammolari hamda tilshunoslikning an’anaviy va zamonaviy yo‘nalishlari, lingvistik kompetensiyani shakllantirish muammolari, lingvomadaniyat va lingvoma’naviyatshunoslik muammolariga bag‘ishlangan maqolalar jamlangan.

Konferensiya materiallari filolog mutaxassislar, ilmiy tadqiqotchilar, magistratura va bakalavriat talabalari, shuningdek, keng o‘quvchilar ommasiga mo‘ljallangan.

Maqolalarning ilmiy saviyasi uchun mualliflar mas’uldirlar.

Барчин Алпомиш Қалмоқ юртига асир бўлиб қолиб кетганида уни узок йил кутиб, садоқат билан яшайди. Мана шу жиҳат ўзбек лингвомаданиятида *Барчин* поэтонимининг садоқатли аёл рамзига айланишига сабаб бўлган. Шеърлий матнларда қўлланган *Барчиной* поэтоними ёр садоқатини таъкидлаш, киёслаш каби мақсадларда қўлланган:

Барчинойдек кутганинг қани?

Зардобу қон ютганинг қани,

Умр йўлида то юмгунча кўз,

Бирга-бирга кетганинг қани? (Миртемир. Сураат)

Достондаги *Алпинбий, Довонбий, Бойсар, Бойбўри, Ҳакимбек, Барчин, Қалдирғоч, Қултой, Кайхубод, Ёдгор, Қоражон, Тойчихон, Товка* каби киши исмларининг лисоний тадқиқи: луғавий асоси, тарихий-этимологик манбаси ва номланиш мотивини, структурал тузилишини ўрганиш ўзбек халқининг, жумладан, кўнғирот ва қалмоқ уруғларининг исм қўйиш, танлаш ва бу билан боғлиқ анъаналари, урф-одатлари хусусида тарихий, миллий ва диалектал маълумотлар, хулосалар бериш нуктаи назаридан этнолингвистик моҳиятга эга.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. Ўзбек исмлари маъноси. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1998.
2. Ўзбек тилиниг изоҳли луғати. – Москва: Рус тили, 1981. I жилд. –
3. Имомов К. “Алпомиш” достонида образлар тизими // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. – № 4.
4. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 1-ж.
5. Ҳотамов Ғ., Ҳамроев Ш. Миллат хотираси. – Тошкент: Ёзувчи, 1999.
6. Йўлдошева С. “Алпомиш” достонида аёллар мавқеи // “Алпомиш” достони ва жаҳон халқлари эпик ижодиёти” мавзусидаги халқаро конференция материаллари. – Термиз: Фан, 1999.

MUNDARIJA

| NUTQ MADANIYATI MASALALARI | | 4 |
|-----------------------------|---|----|
| <i>Мўйдинов Қ.</i> | Нотиклик санъати ва нутқ маданияти | 4 |
| <i>Тог‘аев Т.М.</i> | Notiqlik va nutq madaniyati Alisher Navoiy talqinida | 7 |
| <i>Жўраев Ж., Умаров А.</i> | Қадимий асарларда хат ёзиш қоидалари | 10 |
| <i>Исламов Ў.Ҳ.</i> | Алишер Навоий ижодида нутқ маданиятига оид тушунчалар тизими | 14 |
| <i>Умурқулов Б.</i> | Насрий нутқда нутқ маданияти | 17 |
| <i>Хомидов И.</i> | Nutq texnikasining asosi bo‘lgan nafas uchun “6 ta mashqdan iborat trening” | 20 |
| <i>Bozorova I.</i> | Nutq madaniyati masalalari - Alisher Navoiy talqinida | 23 |
| <i>Bozorova S.</i> | “Mahbub ul-qulub” asarida nutq madaniyati masalalari talqini | 25 |

Nutq madaniyati va o'zbek tilshunosligining dolzarb muammolari

| | | |
|--|---|------------|
| <i>Abdurahmonova N.</i> | Birinchi sinf o'quvchilariga "O'zbekiston - mening vatanim" bo'limidagi she'riy asarlarni o'rgatishda vatan tuyg'usini singdirish | 344 |
| <i>Хайдарова Д.И.</i> | Давлат таълим стандартларининг ўқув жараёнида кўриниши | 346 |
| <i>Aliyeva M.S.</i> | Boshlang'ich sinf ona tili darslarida gapning uyushiq bo'laklarini o'rganish izchilligi | 348 |
| <i>Babaxodjayeva G.A., Babaxodjayev D.X.</i> | Mustaqil qo'llangan fe'llarni ko'makchi fe'llardan farqlashga o'rgatish | 350 |
| <i>Uljayeva Sh.T.</i> | Behaviorism problems in the Everyday Classroom | 353 |
| <i>Бованова У.А.</i> | Таълимнинг муаммоли методи хусусида баъзи мулоҳазалар | 355 |
| <i>Каримова Ш.Т.</i> | Преподавание иностранных языков в дошкольных образовательных учреждениях | 356 |
| <i>Махмудова Д.А.</i> | Оила-қадриятларни таркиб топтирувчи маскан | 359 |
| <i>Mirzayeva A.M.</i> | Boshlang'ich ta'limda filologik tahlil malakasini shakllantirish | 361 |
| <i>Nosirova M.M.</i> | Mehnat darslarida pedagogik texnologiyalardan foydalanish samarali vosita sifatida | 362 |
| <i>Qosimova F.B.</i> | Boshlang'ich sinf ona tili darslarida "uyushiq bo'laklar" mavzusini o'rganish xususida mulohazalar | 364 |
| <i>Rahmonova Sh.</i> | Boshlang'ich sinf ona tili darslarida o'quvchilarga grammatik bilimlar berishda izchillik | 366 |
| <i>Sodiqova M.</i> | Boshlang'ich sinfda ona tili ta'limi va dars modullari | 367 |
| <i>Тўхтасинова Г.</i> | Бошланғич синф она тили дарсларида ўйин орқали ўқувчиларни ижодий фикрлашга ўргатиш услубиёти | 368 |
| <i>Umarova N.</i> | Sifatli darslar tashkil etishda interfaol metodlarning o'rni | 370 |
| <i>Рахманова М.А.</i> | Лексическое значение и особенности словоупотребления | 373 |
| <i>Валиева М.С.</i> | Цель изучения морфологии в начальных классах | 374 |
| <i>Хо'жахонова Г.И.</i> | O'quvchilarda erkin fikrlashni shakllantirishda interfaol metodlar | 376 |
| <i>Yuldasheva D.A.</i> | O'qish orqali o'quvchilarga ingliz tili fani o'rgatish uslubiyoti | 378 |
| <i>Абдурашулов Қ.</i> | Фикрни оғзаки баён қилиш кўникмасининг педагогик ва психологик асоси | 380 |
| <i>Шайхисламов Н.З.</i> | Синтаксисни морфология билан интегратив ўргатиш | 383 |
| LINGVOMADANIYAT VA LINGVOMA'NAVIYATSHUNOSLIK MUAMMOLARI | | 386 |
| <i>Усманов Ф.Ф.</i> | Лингвокультурный код в сравнениях узбекского языка | 386 |
| <i>Қаҳҳоров Ш.Т.</i> | Ўзбек исмларининг айрим лингвокультурологик хусусиятларига доир | 388 |
| <i>Толыбаев Х.Е.</i> | Топонимнің этимологиялық мәнісі хәм этносоциум | 390 |
| <i>Хидралиева З.Р.</i> | Иқон халқ мақоллари ҳақида | 393 |
| <i>Қурбоназарова Н.Ш.</i> | Ўзбек лингвомаданиятида тўй лексемаси | 396 |
| <i>Allamberganova M.</i> | Qadimgi turkiy yodgorliklar tilida ishlatilgan "tabg'ach" etnonimi tarixi xususida | 397 |
| <i>Abdirayimov A.</i> | Ertak va toponimlarda "uch" sonining ifodalanishi va uning lingvomadaniy talqini | 401 |

7. Мусаев К.М. Лексикология тюркских языков. –М.: Наука, 1982. –С.72
8. Насыров Д.С. Становление каракалпакского общенародного каракалпакского языка и его диалектная система. – Нукус-Казань: «Каракалпакстан», 1976. –С. 221
9. Никонов В.А. География русских суффиксов // “Onomastica”, сб. 9. – Краков, 1959.
10. Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? -Тошкент: Ўзбекистон, 1970. - Б. 91
11. Қораев С. Топонимика. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.–Б. 51-52.
12. Ҳасанов Ҳ. Ўрта Осиё жой номлари тарихидан. -Тошкент: ФАН, 1965.-Б. 59

ИҚОН ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ ҲАҚИДА

Хидралиева З.Р. ўқитувчи, ТДЎТАУ
zaxira.999@gmail.com

Халқ мақоллари аجدодларимизнинг асрлар оша етиб келган ҳаётий тажрибаси ҳақидаги хулосалари ва ҳукмларининг ихчам, таъсирчан, аниқ ва лўнда бир ифодасидир. Айни замонда мақоллар маҳаллий диалектлар ва шеваларнинг хусусиятини ўрганиш учун ҳам муҳим манба вазифасини бажаради. Мақоллар нафақат халқнинг донолиги, ҳаёт тарзи, орзу-умиди, урф-одати, дунёқарашини ифода қилади, балки унинг тилини, сўзларнинг маъно имкониятлари нақадар кенглигини, тўғрироғи, шевасининг хусусиятини ҳам кўрсатади.

Дунёда ўз мақолларига эга бўлмаган халқнинг ўзи йўқ[2,91], бинобарин, шевалардаги мақоллар халқ оғзаки ижодини вужудга келтириши исбот талаб қилмайди.

Шу ўринда Иқон шевасидаги мақоллар ҳам ўзбек халқи мақолларининг таркибий қисми сифатида ўрганилиши зарурдир. Иқон шевасидаги мақоллар ҳам ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб, ахлоқсизлик, яхшилик ва ёмонлик, дўстлик, тadbиркорлик, удабуронлик, тан сихатлик, ижтимоий муносабатлар, оилавий турмуш ва қўшничилик муносабатлари мазмунини акс эттиради. Шева материалларига асосланиб, мақолларнинг қўлланиш доирасини ҳисобга олиб, уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

- фақат шева доирасида қўлланадиган мақоллар;
- адабий тилда ҳам, шевада ҳам қўлланадиган мақоллар.

Шева доирасида қўлланадиган мақолларга ўзбек адабий тилида қўлланмайдиган, “Ўзбек халқ мақоллари” китобига кирмаган мақоллар мансубдир. Масалан: *А:т тападь, ашәк йе:йдь. Ө:гәйъң о:дь йаман, сәксә(в)ульң чо:гь йаман. Кә:пән кә:йгән кә:мәйдь, // Кә:пәнәк кә:йгән кәләдь. Ба:қьдьн то:гған Ба:қь о:майдь, // Са:қьдьн то:гған Са:қь о:майдь.*

Шеваларда адабий тилда ҳам қўлланадиган мақолларнинг таркибидаги сўзлар ёки уларининг грамматик шаклларида қисман фарқлар бўлади. Масалан: *Кә:пән гәда:сь о:саңам, // Вә:тән гәда:сь о:ма. Ө:згә йу:ртта султа:н о:гу:чай, ө:з йу:ртъңда олта:н о:.* *Иккь айақда ба:жа та:ту:, // Тө:т айақда бо:та та:ту:.*

Биз Иқон шеvasидаги мақолларни ўрганишда, адабий тилда қўлланмайдиган мақолларга эътибор қаратишни ва қуйидаги мавзуй гуруҳларга ажратишни маъқул кўрдик:

Манқуртлик: *Ба:йъң ашьнь байғуз қо:рғанть.*

Меҳнатсеварлик ва дангасалик: *А:т та:падъ, ашәк йе:йдъ.*

Ижтимоий муносабатлар: Кәпән кә:йгән кәмәйдъ, // Кәпәнәк кә:йгән кәләдъ. Көргән ашьң кө:йнигъ йаман. Йетъм ө:з на:ньнь йе:йдъ // Къшь түрткъсьнь ә:штәдъ. И:тнь йәм әгәсь бълән қы:йнась. Ке:дъң отънь отласаң, // ше:дъң су(в)ънь су:лайса. Оғльң ка:пър о:сайам, кә:нньң мусурма:н о:сь. Йу:рт бълән йа:ллықась.

Эътиборсизлик, эътибор бермаслик: *Бардъм ба:п бълән, қайтъм да:д бълән.*

Тенглик ва тенгсизлик : *Итъң тәңъ път.*

Сахийлик, меҳмондўстлик: Аз ашьңнь қызғанмасаң, // Къшьньң кө:п ашьдън ка:майса.

Донолик ва нодонлик: Ә:сь пә:съң – и:шь пә:с. Отырған о:ннь орнақлық, // Сө:лләгән сөзъ сапақлық.

Танбеҳ олиш, танбеҳ бериш: *Бълмәй сө:лләб, онақ йе:дъм. Кә:ндә кәлтәк йе:дъм, // То:хтқада тоқмақ йе:дъм.*

Ризқ-насибадан бенасиблик: Йе:ттъм де:гәндә, йелкәм йазылдъ.

Фаросатсизлик: Бълмәгәнъң бългәнъ қурсъ, // Хәңгъ ашәккә мънгәнъ қурсъ. Сы:йлаганны сы:й бълмәйдъ, Сы:йпаганны ит бълмәйдъ.

Масъулиятсизлик: Қырқ әргәжәл бъргәләшьп бър қазан қайнатмабть.

Одобсизлик: Хә:йт де:сә ит чьқар, // итдън бурун қы:з чьқар.

Барғанъң балтась, // кәгәнъң ке:тмәнъ. Қул қу:дурса, қудуққа чү:шәдъ, // Ө:тә қу:дурса о:чаққа чү:шәдъ.

Фойдасизлик: Ба:йтал ба:лта чапмас. Тоқль қараған то:хтқасъдън а:ртмайдъ. Анась, анасьньң арқасы:дън танась.

Оқибатсизлик. Ба:ллық йе:гән бақышмас. Йа:д та:уқ кәтәк бузар. Ө:ткән күньньң бе:лгъсь йо:қ, // Қа:йтъп кә:гъсь йо:қ.

Тан сиҳатлик: Ке:дъң а:рьса, ше:дъң джа:н.

Сохта шухратга эришиш: Пьсмьқьлар и:ш пътърәр, // Та:қър-ту:қърлар на:м а:лар.

Тотувлик: Иккъ айкада ба:жа та:ту:, // Тө:т айкада бо:та та:ту:.

Такдир: Ө:лмәс ба:ллыққа су: у:чрапть. Аяғъңа ба:г, // йүрәгъңә да:г.

Оила, оқибат ва оқибатсизлик: Кө:рсәң, би:рдьнәм кө:рәсә, // кө:рмәсәң, о:ньдънам кө:рмәйсә.

Мақтанчоқлик: То:гълмаған бу:завга қа:зъқ қа:қьпть.

Қариндош-уруғчилик ва бегоналик: Йа:г и:шкәндә, йа:т йахшь, // Қа:н кә:шкәндә, қа:рьнда:ш. Ө:зи:ңкъ ө:зәгъгә тәпсәң ке:тмәйди, // Къшьнькъ къшәннәсә:ң турмайдъ.

Вақт ва фурсат кадри: Ө:мъръң ө:тәр чапқан а:ттақ.

Инсофсизлик: Түйәгә мъньп, ө:ркәшьгә ки:зләнмә.

Ишонч: Тө:мәтъң тү:бъ йа:рьқ.

Хор-зорлик: И:тъмә ха:р, пьгшъгъмә на:мьс.

Тадбиркорлик: Агызлъққа сөз бе:мәгән, // Айақлъққа йо:л бе:мәгән.

Кўринадики, кундалик ҳаётимизда ҳар сония мақолларга мурожаат этамиз. Улар нутқимизга кўрк бериб, унинг таъсирчанлигини янада оширади.

Ҳар бир мақол бир асарнинг мазмунига тенг келиши мумкин, чунки уларнинг баъзилари мураккаб ҳодисаларнинг моҳиятини қисқа ва ихчам жумлаларда ифодалай олади[1,30]. Ҳар бир мақол ҳақиқий ҳаётдан олинган бўлиб, ижтимоий-тарбиявий аҳамиятга ҳам эга. Мақоллар тарбия воситаси сифатида, сўзнинг сеҳрли кучи орқали киши руҳиятига тез таъсир қилиши ҳамда уларни тўғри йўлга йўналтиришда ижобий омил бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, шевалардаги халқ мақоллари шу шеванинг барча хусусиятларини ўрганиш учун фактик материал бўлиш билан бирга халқ оғзаки ижодининг бойлигини, унинг гўзаллигини тасаввур этиш имкониятини бериши билан ҳам аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Жуманазаров Ю. Ўзбек адабий тили ва Жанубий Хоразм диалекти. – Тошкент: ФАН, 1971. –Б.30.
2. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. –Тошкент: Ўқитувчи,1990. – Б. 91.
3. Mirzayev T., Musoqulov A., Sarimsoqov B. O'zbek xalq maqollari. – Toshkent: Sharq, 2013. – Б. 512.

ЎЗБЕК ЛИНГВОМАДАНИЯТИДА ТҶЙ ЛЕКСЕМАСИ

Қурбоназарова Н.Ш., мустақил тадқиқотчи, ТерДУ

Тўй – ўзбек тилида ижобий маънода қўлланиладиган лексема бўлиб, унинг барча кўринишлари, хусусан, бешик тўйи, чилла тўйи, суннат тўйи, мучал тўйи, никоҳ тўйи, пайғамбар тўй, ҳожи тўй, уй тўй, мошина тўй кабилар хурсандчилик билан элга ош бериб, ўйин-кулгу билан нишонланади. Тўй лексемаси ҳақида тарихий манбаларда сақланиб қолган маълумотларга қараганда “тўй” лексемаси туркий сўз бўлиб, “той” ёки “курултой” шаклида мўғуллар ва чиғатой хонлари даврида ҳам кенг қўлланилган. XIV асрда Мовароуннаҳр худудига саёхат қилган Ибн Баттута эсдаликларига асосан “той” – бу ҳар йили ўтказиладиган йиғин (курултой) бўлиб, унда Чингизхон авлодлари, амирлар ва туркий беклар, обрўли аёллар ва лашкарбоши иштирок этган[1,162-163]. “Таворихи хоразмшоҳия” тарихий асарида учрайдиган маълумотга кўра, вазир Хасан-Мурод қушбегининг ўғли Муҳаммад Юсуфбек хоннинг қизига уйланган бўлиб, зиёфат – той (тўй) бир неча кун ва тун давом этган[2].

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида тўй лексемаси шундай изоҳланади: 1. Кўпинча базм-томошалар билан зиёфат бериб ўтказиладиган баъзи маросимларнинг умумий номи. 2. Қудалар ўртасидаги келишувга мувофиқ куёв томондан қиз томонга бериладиган пул, сарпо-сурук, масаллик ва шу